

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ ТАРИХ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019. TAR.56.01. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТАРИХ ИНСТИТУТИ

МАЛИКА САЙДИАХРАЛОВНА ТЎХТАЕВА

**XX АСРНИНГ 20 – 40-ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОН ТАСВИРИЙ
САНЪАТИНИНГ ИЖТИМОИЙ ТАРИХИ**

07.00.01 – Ўзбекистон тарихи

**Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.2.PhD/Tar34 рақам билан рўйхатга олинган

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институтида бажарилди.

Диссертация автореферати уч тилда (рус, ўзбек, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.fati.uz) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Дилором Агзамовна Алимова
тарих фанлари доктори, профессор.

Расмий оponentлар:

Акбар Абдуллаевич Хакимов
Санъатшунослик фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА ва ЎБА академиги.

Мухаё Сраждиновна Исакова
тарих фанлар доктори.

Етакчи ташкилот:

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc. 02/30.12.2019. Таг.56.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «15» ИЮЛ соат 14:30 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз тор кўчаси, 5-уй, Тарих институти. 8-қават Мажлислар зали.) Тел: (99871) 233-54-70; 233-62-01; факс: (99871) 233-39-91) e-mail: info@fati.uz Тарих институти)

Диссертацияси билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Асосий кутубхонасида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, Зиёлилар кўчаси, 13-уй). Тел: (99871) 262-74-58; факс: (99871) 262-34-41)

Диссертация автореферати 2021 йил «___» _____ кун тарқатилди.
(2021 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси билан)



Handwritten signature of A. X. Zhiyev

А. Ҳ. Зиё
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси,
тарих фанлари доктори,
профессор

Handwritten signature of M. X. Pajzиеva

М.Х. Пайзиева
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби,
тарих фанлари номзоди

Handwritten signature of N. A. Allaeva

Н.А. Аллаева
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги
Илмий семинар раиси, тарих
фанлари доктори

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳондаги глобаллашув натижасида содир бўлаётган маданий интеграциянинг жадаллашуви шароитида инсон омили ва унинг деярли барча жиҳатларини акс эттирувчи ижтимоий тарих масалаларига катта эътибор қаратилмоқда. Айниқса, тоталитар тузумни бошидан кечирган давлатлардаги ижтимоий-маданий жараёнлар, жумладан собиқ совет мафкурасининг таъсирида бўлишига қарамай, жаҳон маданияти хазинасига муносиб ҳисса қўшган санъат арбобларининг фаолияти алоҳида ҳодиса – ўзига хос феномен сифатида дунё ҳамжамиятининг диққат марказида туради.

Дунёнинг кўплаб тадқиқот марказларида тасвирий санъатнинг ижтимоий тарихи ва санъат намоёндаларининг кундалик турмушини ўрганиш, бадий ташкилотлар ва таълим муассасаларининг фаолияти жумладан, Марказий Осиё халқлари тасвирий санъатидаги ўзгаришларнинг ижтимоий-сиёсий асосларини ўрганиш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу, ўз навбатида Ўзбекистонда XX аср 20-40 йилларида ҳамда рассомларнинг ҳаёти ва ижодига мафкуранинг таъсирини аниқлаш, давлат билан санъат вакиллари ўртасидаги ўзаро муносабат муаммоларини очиб бериш, долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистонда мустақиллик даврида, айниқса сўнгги йилларда халқимизнинг бой тарихи ва маданиятининг ажралмас қисмини ташкил этадиган, маънавий тараққиётимиз учун ғоят муҳим аҳамиятга эга бўлган қадимий кўлёмалар, санъат асарлари, осори-атиқаларни сақлаш, уларни илмий тадқиқ этиш, юртимиз ва жаҳон жамоатчилиги ўртасида тарғиб қилиш юзасидан кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. “Ана шундай ноёб тарихий-маданий ашёлар нафақат халқимиз маданиятининг нодир дурдоналари, балки жаҳон миқёсидаги йирик коллекциялар ҳисобланади”. Бу борада “мамлакатимиз тарихи ва маданиятига оид маданий бойликларни аниқлаш, уларнинг тўлиқ маълумотлар базаси — реестрини яратиш ва уни мунтазам янгилаб бориш, тегишли илмий марказлар билан биргаликда илмий тадқиқотлар олиб бориб, эришилган натижаларни илмий муомалага киритиш”¹ масаласи муҳим вазифа сифатида кун тартибига кўйилди. Шу жиҳатдан, Ўзбекистон тасвирий санъати тарихини, айниқса унинг совет даврида бузиб кўрсатилган ва нотўғри талқин қилинган ижтимоий жиҳатларини комплекс тарзда ўрганиш миллий тарихимизни янада чуқурроқ англаш, кенг тарғиб қилиш ва жамиятнинг тарихий тафаккурини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2020 йил 8 октябрдаги ПФ-5598-сон “Қатағон қурбонларининг меросини янада чуқур ўрганиш ва улар

¹[электронный ресурс:] Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистонга оид хориждаги маданий бойликларни тадқиқ этиш марказини ташкил этиш тўғрисида 2017 йил 20 июнь, ПҚ-3074-сон // <https://lex.uz/docs/3238678?otherlang=3>

хотирасини абадийлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонлари, 2018 йил 26 августдаги ПҚ-3920-сон “Ўзбекистон Республикасида маданият ва санъат соҳасини инновацион ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сон “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари ва соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда кўрсатилган вазифаларни амалга оширишга ушбу тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологияларини ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий, ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” дастурининг устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилиш даражаси. XX асрнинг 20-40-йиллари Ўзбекистон тасвирий санъати тарихини икки даврга бўлиб ўрганиш мумкин:

Биринчи давр Ўзбекистоннинг совет давридаги (1930-1990 йиллар) тасвирий санъати тарихига бағишланган тадқиқотларни ўз ичига олади. Ушбу асарлар муаллифлари ҳудудда содир бўлаётган ўзгаришлар жараёни, эскича ҳаёт тарзи ва психология билан боғлиқ бўлган ижтимоий ҳаётдаги янги ҳодисаларнинг Ўзбекистон рассомлари ижодида акс эттирилишини тушунтиришга ҳаракат қилганлар.

XX асрнинг 30-йилларидан бошлаб, совет Ўзбекистонининг тасвирий санъатини тизимли ва мақсадли ўрганилишига асос солинди. Хусусан, П. Корнилов, Л. Эфрос, Б. Ширяев, Б. Никифоров, В. Чепелев, Н. Колинларнинг илмий мақолаларида Ўзбекистон тасвирий санъатининг асосий турлари ва жанрлари қисқача тавсифланган. Бадиий танқиднинг мафкуравий йўналтирилганлигига қарамай, ўша давр санъатшунослари ўзбекистонлик рассомларнинг ишларидаги декоративликни олқишлаганлар. 1930-йилларнинг иккинчи ярмидан то 1960-йилларгача бўлган вақт оралиғида бадиий танқиднинг асосий вазифаси сифатида социалистик реализмнинг қарор топиши белгиланган. 1940-йиллардан бошлаб Б.В. Веймарн, Н.М. Колин, В.Н. Чепелев, Б.М. Никифоровлар ортодоксал бадиий танқиднинг энг таниқли усталари ҳисобланиб, уларнинг фикрлаши қарор топган расмий мафкурага мос келган эди. Бундан ташқари, Ўзбекистон тасвирий санъати тарихига бағишланган бир қатор фундаментал ва умумлаштирилган асар ҳамда тадқиқотларда тарихчи олимлар томонидан тасвирий санъат масалалари ҳам қисман ёритиб ўтилган. Қайта қуриш ва цензуранинг юмшатилиши йилларида совет санъатига бағишланган альбом нашр этилди. М.М. Бобоназарова, Э.Д. Газиева ва Е.Ф. Ковтуннинг «Авангард, остановленный на бегу» номли мақоласида авангард санъати, қатағонлар, партиянинг мафкуравий босими тўғрисидаги маълумотлар илк бор тилга олинган.

Иккинчи даврда (XX асрнинг 90-йилларидан ҳозирги пайтгача) яратилган асарларда сиёсий ҳокимиятнинг кескин танқид қилиниши, совет даври санъатининг асосий йўналишлари ҳамда ўрганилаётган давр ижодий касб вакиллари кундалик ҳаётининг ўзига хослигини қайта идрок этишга уринишлар кузатилади. Ўз навбатида, ушбу адабиётларни шартли равшда икки гуруҳга бўлиш мумкин: 1) бу даврдаги санъатнинг шаклланиши, унинг танқиди ёки оқланишига бағишланган тадқиқотлар (уларда асосан социалистик реализм назариялари ва амалиётининг муаммолари кўриб чиқилган); 2) ижодий касблар вакиллари кундалик ҳаётининг хусусиятларини англашга уринишларни ўз ичига олган тадқиқотлар (Н.А. Хренова, В.С. Жидкова, К.Б. Соколова, Г.А. Янковская ва бошқалар).

Мамлакатимиз тасвирий санъати ривожининг умумий тенденцияларига бағишланган фундаментал ишлардан энг аввало Н.Р. Ахмедова, А.А. Хакимова, Б.А. Абдурахимовларнинг монографияларини айтиб ўтиш зарур. Мазкур тадқиқотларда етакчи рангтасвир рассомлар ижоди ўрганилган.

1990-йилларнинг ўрталаридан бошлаб хорижий тадқиқотчиларнинг ишларида сталин даври расмий санъатига қизиқиш ошганини эътироф қилиш лозим. Бу даврда социалистик реализм назарияси ва амалиёти бўйича бир қатор ишлар нашр этилди. Хусусан, А.А. Бёрд, Д. Эллиот, М. Тупитсин, М. Боун, Ж. Боулт, А. Бретон, С. Бойм, Х. Арендт каби тадқиқотчилар совет реализмини “бадий китчга” тенглаштирганлар. М. Боун ва М. Гланц каби муаллифлар Ўзбекистон санъати тўғрисидаги маълумотларни А. Волков, У. Тансиқбоев, О. Татевосян, М. Курзин каби машҳур рассомлар ижоди орқали таҳлил этиб, уларни ўзбекистонлик ижодкорлар орасидаги энг ёрқин истеъдодли, ўзига хос ва сара рассомлар сифатида баҳолаганлар. Умуман, Ўзбекистоннинг совет даври тасвирий санъати хорижий тадқиқотчилар томонидан панорама тарзида тавсифланиб, кўпроқ ахборотли характерга эга эди. (Муаммонинг батафсил тарихшунослик таҳлили I бобда келтирилган).

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги. Ушбу тадқиқот Фанлар академияси Тарих институтининг №Ф1-ФА Ф1 ГО 23 – “Ўзбекистонда таълим тарихи ва тарихшунослиги: тажриба, муаммолар, ривожланиши ва ўрганилиши” (2014-2017 йиллар) фундаментал илмий тадқиқот иши ва ОТ-А1-125 “Ўзбекистон тарихи манбашунослиги ва тарихшунослиги: назарияси, шаклланиши ва ривожланиши (қадимги даврдан ҳозиргача)” (2017-2018) мавзусидаги амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади XX аср 20–40-йилларида Ўзбекистон ССРдаги ижтимоий ҳолат ва тоталитар тузум сиёсатининг ижтимоий-маданий оқибатларини тасвирий санъатнинг институционал жиҳатлари орқали очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

XX–XXI аср бошларига доир тадқиқотларда совет даври Ўзбекистон тасвирий санъати соҳасидаги асосий илмий-назарий тамойилларни тадқиқ этиш;

Ўзбекистон рассомлари корпуси ҳамда XX асрнинг 20-30-йилларида республика тасвирий санъатининг институционал тарзда шаклланишини кўрсатиб бериш;

республика тасвирий санъатида социалистик реализм қарор топиши тарихининг ўзига хос жиҳатларини ёритиш;

Ўзбекистон рассомларининг кундалик муаммоларини таҳлил қилиб, бошқарув тузилмаларнинг уларга нисбатан муносабатини аниқлаш (Ўзбекистон совет рассомларининг уюшмаси мажлисларидаги чиқишлар, хатлар, мурожаатномаларни таҳлил қилиш асосида рассомларнинг ҳаёти ва ижоди учун моддий шароитларни ташкиллаштиришда уларнинг талаб ва эҳтиёжларини ўрганиш);

Иккинчи жаҳон уруши даврида Ўзбекистон рассомларининг кундалик турмушини тавсифлаш;

совет ҳокимиятининг Ўзбекистон рассомларига нисбатан катағонлик сиёсатини очиқ бериш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон тасвирий санъатининг XX аср 20 – 40-йилларидаги тарихи танланган.

Тадқиқотнинг предметини XX асрнинг 20-40-йилларидаги тасвирий санъат ривожини контекстида ижодкорлар қатлами сифатида Ўзбекистон рассомларининг ҳаёти тарихи, унинг ижобий ва салбий жиҳатлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда хронологик, тизимли, қиёсий, ретроспектив ва статистик таҳлил ҳамда интервью-суҳбат усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

маъмурий-буйруқбозлик тузумига қарамай, Ўзбекистонда миллий санъат анъаналарига асосланган йўналишларнинг марказий ҳудудлардан фарқли ўлароқ, 1940-йилларга қадар сақланиб турганлиги аниқланиб, бу ҳолат амалда, СССР таркибига киритилган халқларда ҳукуматга қарши сиёсий норозиликни кучайтирмаслик ҳамда чекка, айниқса геостратегик аҳамиятга эга бўлган ўлкаларни бошқариш механизмининг ўша пайтда ҳали тўлиқ ишлаб чиқилмаганлиги билан боғлиқлиги далилланган;

мустақил тузилма сифатида ташкил этилган “Бадий фонд” амалда Ўзбекистон ССР “Рассомлар Уюшмаси”га бутунлай қарам бўлганлиги исботланиб, тасвирий санъатнинг “имтиёзли элитаси” билан оддий рассомлар ўртасида давлат буюртмаларининг тақсимооти ва уларга маблағ ажратишдаги адолатсизлик ҳамда ижодкорларнинг кундалик турмушдаги муаммоларига доир ҳужжатлар (стенограммалар) асосида монополь сиёсатининг “мулкий ва ижтимоий табақаланиш”, ижодий бикиқлик сингари ижтимоий-иқтисодий оқибатлари очиқ берилган;

совет ҳокимияти “моддий рағбатлантириш эвазига рассомларнинг ғоявий садоқати ва тузумга мафкуравий жиҳатдан хизмат қилишига эришган”лиги борасидаги фанда мавжуд назариянинг ҳаётий ҳақиқатга тўғри келмаслиги, аксинча бундай “вафодорлик” тўғридан-тўғри босим ўтказиш,

ўта қийин шароитлар ҳамда бўйсунмаганларни намойишкорона қатағон қилиш чоралари орқали таъминланганлиги асослаб берилган;

“ҳукумат” ва “рассом”ни иккита алоҳида тоифага ажратган ҳолда, уларни бир-бирига қатъиян қарама-қарши кўювчи “бинарлик” назарияси инкор этилиб, санъат ва маданият бошқаруви тизимининг изчил манзарасини яратиш орқали рассомлар ушбу яхлит механизмнинг ажралмас қисми бўлганликлари далилланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

XX аср 20-40 йилларида Ўзбекистон тасвирий санъатининг ижтимоий тарихини акс эттирувчи 1500 архив материаллари, 20 та фотосурат, 4 та кинофильм, 300 та санъат асари ҳамда рассомларнинг ижоди ва ижтимоий ҳаётига оид совет ҳукумати сиёсатини акс эттирувчи ҳужжатларни таҳлил қилиш асосида шу даврдаги тасвирий санъат тарихининг ижтимоий масалалари ноёб маълумотлар билан тўлдирилган;

архив манбалари ва адабиётларни ўрганиш туфайли ИРА, Янги Шарқ усталари, АРИЗО, ЎзССР рассомлари уюшмаси каби ташкилотларнинг тарихини тиклаш имконияти пайдо бўлди. Ўзбекистонлик А. Николаев, А. Волков, М. Курзин, П. Беньков, В. Маркова каби таниқли рассомларнинг ҳаёти ва ижодига доир янги маълумотлар аниқланиб, таржимаи ҳолларига аниқлик киритилган;

Ўзбекистон рассомларининг XX аср 20-40-йилларидаги кундалик ҳаёти маиший турмуши, ижодий жараёни ташкиллаштириш, рассомларнинг ҳокимият билан ўзаро муносабатлари ва ҳ.к.) очиб берилган. Бу маълумотлар Ўзбекистон давлатчилик тарихининг “совет даври”ни ёритувчи ҳужжатли ва бадиий фильмлар яратишда таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги Ўзбекистон Миллий архиви (Ўз МА), Россия давлат адабиёт ва санъат архиви (РДАСА), шахсий архивлар, Ўзбекистон рассомларининг авлодлари билан “oral history” суҳбатлари материалларидан кенг фойдаланган ҳолда, шунингдек маҳалий ва хорижий муаллифларнинг тарихшунослик ва санъатшунослик асарларини жалб этиб, тарих фанида эътироф этилган усул ва ёндашувларга асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти сталинизм даврида Ўзбекистон тасвирий санъати соҳасидаги совет ҳокимияти амалга оширган давлат сиёсатининг ёритилиши, совет рассомлари кундалик ҳаёти манзарасининг тикланиши, 20-40-йилларда Ўзбекистон тасвирий санъати институционал шаклланишининг тўла ҳажмда ёритилишида ўз ифодасини топган. Мемуар манбалар, Ўз ССР рассомлар уюшмаси стенограммаларининг таҳлили совет ҳокимиятининг рассомларга нисбатан қатағонлик сиёсатини фош этиш ҳамда қатағон қилинган рассомларнинг ҳаётини ўрганишдаги бўшлиқларни тўлдиришга имкон яратиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти тасвирий санъатнинг ижтимоий жиҳатларини аниқлаш Ўзбекистон тарихи ва маданиятини ўрганиш бўйича мақсадли давлат дастурларининг амалга оширилишига

хизмат қилади. Тадқиқот натижаларидан Ўзбекистон Давлат санъат музейи, И.В. Савицкий номидаги Қорақалпоғистон Давлат музейининг экскурсоводлари учун қўшимча материал сифатида, ҳужжатли ва бадиий фильмларни яратишда, “Ўзбекистон санъати тарихи”, “Ўзбекистон тарихи”, “Маданиятшунослик” фанлари бўйича махсус курслар, ўқув қўлланмалари ва дарсликларни ишлаб чиқиш жараёнида қўлланилиши мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. XX аср 20-40-йилларидаги Ўзбекистон тасвирий санъатининг ижтимоий тарихини тадқиқ этиш жараёнида ишлаб чиқилган илмий хулосалар ва амалий таклифлар асосида:

маъмурий-буйруқбозлик тузумига қарамай, Ўзбекистонда миллий санъат анъаналарига асосланган йўналишларнинг марказий ҳудудлардан фарқли ўлароқ, 1940-йилларга қадар сақланиб турганлиги, бу ҳолат амалда, СССР таркибига киритилган халқларда ҳукуматга қарши сиёсий норозиликни кучайтирмаслик ҳамда чекка, айниқса геостратегик аҳамиятга эга бўлган ўлкаларни бошқариш механизмининг ўша пайтда ҳали тўлиқ ишлаб чиқилмаганлиги билан боғлиқлигини асословчи материаллардан Тарих институтида 2012-2016 йилларда бажарилган ФА-Ф1-ГО23 “Ўзбекистонда таълим тарихи ва тарихшунослиги: тажриба, муаммолар, ривожланиш ва ўрганиш” мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг 2020 йил 25 июндаги 3/1255-1322-сон маълумотномаси). Тадқиқот натижалари XX асрнинг дастлабки ўн йилликларида Ўзбекистонда бадиий таълимнинг қарор топиши ва ривожланиши тарихи, совет ҳокимиятининг бадиий таълим соҳасидаги сиёсати, бадиий идораларининг ижтимоий муаммоларини ёритиб беришга асос бўлган;

совет ҳокимияти “моддий рағбатлантириш эвазига рассомлар ва бадиий таълим ходимларининг ғоявий садоқати ва тузумга мафкуравий жиҳатдан хизмат қилишига эришган”лиги борасида фандаги мавжуд назарий хулосаларнинг ҳаётий ҳақиқатга тўғри келмаслиги, ҳукуматга “вафодорлик” тўғридан-тўғри босим ўтказиш, ўта қийин шароитлар ҳамда бўйсунмаганларни намойишкорона қатағон қилиш чоралари орқали таъминланганлигини очиб беришга қаратилган ҳужжатли далиллар ҳамда илмий хулосалардан Тарих институтида 2017-2018 йилларда бажарилган ОТ-А1-125 “Ўзбекистон тарихининг манбашунослиги ва тарихшунослиги: назарияси, шаклланиши ва ривожланиши (қадимги даврдан ҳозиргача) мавзусидаги амалий лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг 2020 йил 25 июндаги 3/1255-1322-сон маълумотномаси). Тадқиқот натижалари Ўзбекистон тасвирий санъат тарихини янада чуқурроқ ўрганиш, унинг мазмун-моҳиятини чуқурроқ очиб беришга, халқимиз миллий мероси ва маданий кадриятларини асраб-авайлашни тарғиб этишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация натижалари 8 та халқаро ва 8 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда қилинган маърузаларда муҳокамадан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 34 та илмий иш нашр этилган. Шу жумладан, 12 та мақола Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган республика илмий нашрларда ҳамда 2 таси хорижий нашрларда, 2 та коллектив монографияларда, 18 таси эса республика ва халқаро илмий-амалий конференция тўпламларида эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Тадқиқот кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати ҳамда иловадан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 160 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ишнинг умумий характеристикаси берилиб, мавзунинг долзарблиги ва илмий янгилиги асосланган, муаммонинг предмети, объекти, хронологик доираси, мақсад ва вазифалари, ўрганилганлик даражаси, манбалари тавсифланган, шунингдек ишнинг илмий ва амалий аҳамияти кўрсатиб берилган.

Диссертациянинг **“Тасвирий санъатнинг ижтимоий тарихи тарих фанининг кесимида”** деб номланган биринчи бобида маҳаллий ҳамда инглиз тилидаги тарихий-маданий ва санъатшунослик тадқиқотларидаги тарихшунослик мажмуининг қиёсий таҳлили берилиб, “постсовет” даври тарихшунослигидаги ижтимоий-маданий ҳаётнинг жиҳатлари кўрсатиб ўтилган. Муаммога оид тарихшунослик намуналари икки давр, яъни 1930-1990 йиллар ва 90-йиллардан то бугунги кунгача бўлган даврлар қамровида кўриб чиқилган.

Биринчи бобнинг биринчи параграфи *“1920-1940 йилларда Ўзбекистон тасвирий санъати ривожланишининг тенденциялари тўғрисидаги тарихий-маданиятшунослик материаллари”*га бағишланиб, унда совет даври тадқиқотларининг тарихшунослик таҳлили ёритиб берилган. XX асрнинг 30-йилларидан бошлаб, совет Ўзбекистонининг тасвирий санъатини тизимли ва мақсадли ўрганилишига асос солинди: П. Корнилов, Б. Денике², Л. Эфрос³, Б. Ширяев⁴, Б. Никифоров⁵, В. Чепелев⁶, Н. Колин⁷ каби муаллифларнинг

² Денике Б.И. Искусство Средней Азии. – М.: Центризд. народов СССР. 1927. – 52 с. 23 л.ил.; Ўша муаллиф. Искусство Востока. Очерк истории мусульманского искусства. – Казань: Изд. Комбината Издательства и Печати ЛТССР, 192. 3. – 250 с.

³ Эфрос Л. По художественным выставкам // Прожектор. – 1929. – № 22. – С.27-29.

⁴ Ширяев Б. Выставка АХР // Правда Востока. 1928, 17 январь.

⁵ Никифоров Б.М., Веймарн Б.В. Узбекистан и Таджикистан в борьбе за пролетарское искусство. // За пролетарское искусство. – 1932. - № 3. - С. 12-15; Никифоров Б.М., Живопись художников советского Узбекистана. // Литературный критик. 1934, № 11. С.31-35

⁶ Чепелев В.Н. Искусство советского Узбекистана. – Ленинград: Изд-во Ленинградского областного союза советских художников, 1935. – С.126.

⁷ Колин Н. Изобразительное искусство Узбекской республики. – М.-Л; Искусство, 1937. – 47 с.

асарларида Ўзбекистон тасвирий санъатининг асосий турлари ва жанрлари қисқача тавсифланиб, унинг 1930-йиллардаги ҳолати таҳлили ва Ўрта Осиё тасвирий санъати қандай бўлиши кераклиги ҳақидаги мулоҳазалар ўз ифодасини топган. Бадиий танқиднинг мафкуравий йўналтирилганлигига қарамай, ўша давр санъатшунослари ўзбекистонлик рассомларнинг ишларидаги декоративликни юқори баҳолаганлар. 1930-йилларнинг иккинчи ярмидан то 1960-йилларгача бадиий танқиднинг асосий вазифаси сифатида социалистик реализмнинг қарор топиши масаласи белгиланган. Санъатшунос С. Горшенинанинг таъкидлашича, 1940-йиллардан бошлаб, Б.В. Веймарн, Н.М. Колин, В.Н. Чепелев, Б.М. Никифоровлар ортодоксал бадиий танқиднинг энг таниқли усталари ҳисобланиб, уларнинг фикрлаши қарор топган расмий мафкурага мос келган⁸.

Уруш даврида шаклланган тарихшунослик вазияти санъат соҳасидаги ихтисослашган журналларнинг (“Искусство”, “Советский художник”, “Искусство и литература Узбекистана”) ёпилиши билан боғлиқ бўлган. Иккинчи жаҳон уруши йилларида рассомларнинг фаолияти ва тасвирий санъат фашизмга қарши умумхалқ курашининг ажралмас қисми бўлиб, матбуот саҳифаларида акс этган. Москва, Ленинград, Киевдан Тошкент ва Самарқандга эвакуация қилинган санъатшунослар ва рассомлар газеталарда бадиий кўргазмаларга тақризларини эълон қилганлар. Совет Ўзбекистони санъати газеталардаги қисқача хабарлар кўринишида тез-тез ёритилиб турган.

Ўзбекистоннинг энг таниқли мусаввирлари ижодига бағишланган материаллар совет тарихшунослигидаги алоҳида йирик қатламни ташкил қилади⁹. Санъатшунослик соҳасининг хусусиятлари назарга олиниб, картиналарнинг тавсифига алоҳида катта аҳамият берилган. Рассомнинг ўзи ҳақидаги маълумотлар эса жуда қисқа, яъни биографик тарзда келтирилиб, санъатшунослар уларнинг ҳаёти ва ижодидаги қийин ҳамда зиддиятли пайтларни четлаб ўтишга ҳаракат қилганлар.

Совет даври (1930-1990-йилларнинг боши) бадиий маданиятининг ривожланишига бағишланган тарихий-санъатшунослик ишларида

⁸ Горшенина С.М. Становление и развитие системы изучения истории искусств Средней Азии в Узбекистане. Конец XIX начало XX века. (Историографические аспекты): Дисс. ... канд. ист. наук. – Ташкент, 1996. – С. 144.

⁹ Художники советского Узбекистана. Сб. статей. – Ташкент: Гослитиздат УзССР, 1959; Подковыров А. Творчество Урала Тансыкбаева // Литература и искусство Узбекистана. – Ташкент, 1941. - № 2. – С. 88-90; Мюнц М.В. В. Е. Кайдалов. – Ташкент: Гослитиздат УзССР, 1954. - 76 с.; Певец родного края (У. Тансыкбаев). // Звезда Востока. – Ташкент, 1964. - № 2. – С. 143-145; Круковская С.М. Народный художник Узбекистана Искандер Икрамов. – Ташкент, 1955. - 63 с.; Круковская С.М. Усто-Мумин (А.В.Николаев). Жизнь и творчество. – Ташкент, 1973. - 127 с.; Умаров А.Р. Народный художник Лутфулла Абдуллаев // Звезда Востока. – Ташкент, 1952. - № 5. – С. 126-128; Умаров А. Закир Иногамов // Искусство. – Ташкент, 1959. – № 4. – С. С. 22; Умаров А.П. Беньков – выдающийся художник Узбекистана // Искусство. - Ташкент, 1961. – № 4. – С. 25-27. Умаров А.Р. Лутфулла Абдуллаев. – Ташкент, 1964. – 24 с.; Умаров А. Абдулла Абдуллаев. – М.: Советский художник, 1971. – 34 с.; Такташ Р.Х. Творческая судьба М. Курзина // Искусство. – Ташкент, 1962. – № 8. – С. 25-29; Такташ Р., Шостко Л. Оганес Татевосян // Искусство. – Ташкент, 1966. - № 5. – С. 40-45; Такташ Р.Х. П. Никифоров. // Искусство. – Ташкент, 1957. – № 1. – С. 32-35; Такташ Р.Х. Молодые художники Самарканда // Общественные науки Узбекистана. – Ташкент, 1971. – № 2. – С. 23; Такташ Р.Х. Н.В. Кашина. 1889-1977. Жизнь и творчество. – Ташкент: Изд-во лит. и искусство, 1982. – 134 с.; Такташ Р.Х. Фаррух Кагаров. Плакат. – М.: Современный художник, 1985. – 34 с.

Ўзбекистонда бадий жараённинг қарор топишида партия ва давлат бошқарувининг ролига алоҳида ўрин берилди. Булар қаторига Н. Абрамов¹⁰, М.В. Мюнц¹¹, Г.А. Пугаченкова¹², Т.Н. Қори-Ниёзов¹³, Л.А. Жадова¹⁴, Л.И. Ремпель¹⁵, Л.В. Шостко, А.Р. Умаров¹⁶, Р.Х. Такташ¹⁷, С.М. Круковская¹⁸ ва бошқаларнинг асарларини киритиш мумкин. Муаллифлар Ўзбекистон тасвирий санъати ривожланишининг XX аср 20-йилларидан 50-йилларгача бўлган босқичларини кузатар эканлар, уларни бирёқлама схема, яъни сиёсий тизим томонидан юкланган шартли реалистик намунага бўйсундиришга ҳаракат қилганлар.

Ўзбекистон тасвирий санъати бўйича фундаментал тадқиқотлардан Б.В. Веймарн¹⁹ ва Р.Х. Такташнинг²⁰ ишларини айтиб этиш даркор. Б.В. Веймарн ва Ю.Д. Колпинский²¹ таҳрири остида чиққан “Всеобщая история искусств” наشري совет давридаги тасвирий санъатнинг умумий қонуниятларини белгилаб берган. Тарихий типларнинг алмашинуви, ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-мафкуравий ҳолатнинг ўзгариши билан боғлиқ бўлган маданият ва санъатнинг ижтимоий бошқарув ташкилотлари вужудга келиши шулар жумласидандир.

XX асрнинг 60-80-йилларида Ўзбекистон санъатшунослигида санъатнинг алоҳида турлари ва жанрларини тадқиқ этиш тенденцияси кузатила бошлаган. Буни Н. Абдуллаевнинг ўзбек манзаравий (пейзаж) мусаввирлиги²², А. Умаровнинг ўзбек портрет рассомлиги²³, Д. Саидованинг тарихий-инқилобий жанрдаги асарлар²⁴, А. Эгамбердиевнинг жанрли картиналар²⁵ ривожланишининг умумий муаммоларига бағишланган тадқиқотларида кўриш мумкин.

¹⁰ Абрамов Н.М. Скульптура Узбекистана 1917-1950. Рукопись. 1951// Архив НИИИМК РУз им. Хамза, ИЖ. А-16. № 42. 18 л.

¹¹ Мюнц М.В. Искусство республики на новом этапе // Искусство. – Ташкент, 1959. – № 5. – С. 38-41.

¹² Пугаченкова Г.А., Ремпель Л.И. Выдающиеся памятники изобразительного искусства Узбекистана. – Ташкент: Изд-во ГослитиздатУзССР, 1958. – 328 с.

¹³ Кары-Ниязов Т.Н. О культурном наследии узбекского народа. – Ташкент, 1960. – 38 с..

¹⁴ Жадова Л.А. О главном, о новом // Звезда Востока. – Ташкент, 1959. – № 9. – С. 150-160; Жадова Л.А. Современная живопись Узбекистана. – Ташкент, 1962. – 111 с.;

¹⁵ Ремпель Л.И. Искусство советского Узбекистана. 1917-1972. Живопись. Скульптура. Графика. Декоративно прикладное искусство. Театрально-декоративная живопись. Художники и кино. Архитектура и градостроительство. – М.: Советский художник, 1976. - 606 с.; Вопросы изобразительного искусства Узбекистана. – Ташкент: Изд. Лит. и искусство, 1973. – 119 с.

¹⁶ Шостко Л. Пути творчества исканий (о художниках-юбилярах) // Звезда Востока. – Ташкент, 1960. – № 8. – С. 148-160; Умаров А., Шостко Л. Искусство Узбекистана // Искусство. – Ташкент, 1968. – № 4. – С. 14-18.

¹⁷ Такташ Р.Х. Изобразительное искусство Узбекистана. Вторая половина XIX – 60-е годы XX в. – Ташкент, 1972; Его же. Современная графика Узбекистана. – Ташкент: Изд-во лит. и искусство, 1973. – 87 с.

¹⁸ Круковская С.М. Изобразительное искусство Узбекистана 1917-1920 гг. Рукопись. 1951. ИЖ, К-84 № 59, 42. л.; В мире сокровищ. – Ташкент: Изд-во лит. и искусство, 1982. – 232 с.

¹⁹ Веймарн Б.В., Черкасова Н.В. Искусство советского Узбекистана. – М., 1960. - 119 с.

²⁰ Такташ Р.Х. Изобразительное искусство Узбекистана. Вторая половина XIX - 60-е годы XX в. ...

²¹ Всеобщая история искусств. / Под ред. Б.В. Веймарна и Ю.Д. Колпинского. В 6-ти томах. – М., 1962. Т. VI, Кн. 2.

²² Абдуллаев Н. Пейзажная живопись Узбекистана. – Ташкент, 1968. - 227 с.

²³ Умаров А. Портретная живопись Узбекистана. – Ташкент, 1968. - 133 с.

²⁴ Саидова Д. Исторически-революционный жанр в живописи Узбекистана. – Ташкент, 1977. - 65 с.

²⁵ Эгамбердиев А. Жанровая живопись советского Узбекистана. – Ташкент, 1978. - 177 с.

Ўрганилган даврдаги Ўзбекистон маданияти тарихига бағишланган бир қатор умумлаштирилган асар ва тадқиқотларда тарихчи олимлар томонидан тасвирий санъат масалалари ҳам қисман ёритиб ўтилган²⁶.

Қайта қуриш ва цензуранинг юмшатилиши йилларида совет санъатига бағишланган альбом М.М. Бобоназарова, Э.Д. Газиева ва Е.Ф. Ковтуннинг²⁷ кириш мақоласи билан нашр этилиб, унда илгари таъқиб этилган авангард санъати, катагонлар, партиянинг мафкуравий босими, 1980-йилларнинг иккинчи ярмида рассомлар уюшмаларининг тизимида мавжуд бўлган зиддиятлар тўғрисидаги маълумотлар илк бор тилга олинган.

Ушбу бобнинг иккинчи параграфи “*Постсовет даври тарихишунослигида XX аср 20-40 йилларидаги ижтимоий-маданий ҳаётнинг жиҳатлари*” деб номланган. XX асрнинг охири – XXI асрнинг бошида постсовет маконида эълон қилинган жуда кўп ишларда санъатнинг асосий йўналишлари кескин танқидга учраб, янгидан англаб етишга уринишлар ҳамда совет давридаги жамият ва санъатнинг ўзаро таъсирига оид ижтимоий хусусиятларини муфассал ўрганишга интилишлар намоён бўлган. Бу адабиётни шартли равишда иккита катта йўналишга ажратиш мумкин: биринчиси, бу давр санъати ривожланишининг танқиди ёки реабилитациясига доир ишлар, иккинчиси эса – ижодий касблар вакиллари кундалик ҳаётининг хусусиятларини англашга уринишларни ўз ичига олган.

Биринчи йўналишга доир ҳозирги замон Россия адабиётидаги кўп сонли тадқиқотлар социалистик реализм назариялари ва амалиётининг муаммоларига бағишланган. Уларда “социалистик реализм” атамасининг қўлланиши ва унинг туб моҳияти тўғрисида хилма-хил фикрлар билдирилган²⁸. Н.А. Хренов²⁹, В.С. Жидков³⁰, К.Б. Соколов³¹, Г.А. Янковскаянинг³² илмий ишлари шулар жумласидандир.

²⁶ Гулямова М. Из истории формирования кадров узбекской советской интеллигенции (1933-1937): Дисс. ... канд. ист. наук. – Ташкент, 1961; Меликулов Р. Развитие культуры Узбекистана в годы Великой Отечественной войны Советского союза: Дисс. ... канд. ист. наук. – Ташкент, 1963; Бабаева М.К. Культурное строительство в Ташкентской области в предвоенный период (1933-1941 гг.): Дисс. ... канд. ист. наук. – Ташкент, 1965; Мирзаева Х. Культурное строительство в Ташкентской области в послевоенный период (1945-1955 гг.): Дисс. ... канд. ист. наук. – Ташкент, 1965; Гулямов Р. Культурное строительство в Ташкентской области в предвоенный период (1933-1941 гг.): Дисс. ... канд. ист. наук. – Ташкент, 1971; Вафоев А.Н. Культурное строительство в Самаркандской области в послевоенные годы (1946-1956 гг.): Дисс. ... канд. ист. наук. – Ташкент, 1966; Валиев А.К. Советская национальная интеллигенция и её социальная роль. – Ташкент: Фан, 1969. – 228 с.; Охунжонов О. Узбек совет интеллигенцияси кадрларининг шаклланиши тарихидан (1925-1937 йиллар): Тарих фан. ном. ... дисс. – Тошкент., 1972. – 170 б.; Ахунова Р.Р. Советская интеллигенция Узбекистана в годы Великой Отечественной войны (1941-1945 гг.): Автореф. дисс. ... кан. ист. наук. – Ташкент, 1975. – 27 с.

²⁷ См. альбом: Бабаназарова М.М., Газиева Е.Д., Ковтун Е.Ф. Авангард, остановленный на бегу. – Л., 1989.

²⁸ Конев В.П. Советская художественная культура 30-80-х годов XX в.: теоретико-исторический анализ: дис. док. ист. наук. - Новосибирск, 2005; Некрасова Е.С. Социалистический реализм как культурный феномен: Дисс. ... канд. филос. наук. – СПб., 2006; Янковская Г.А. Социальная история изобразительного искусства в годы сталинизма: институциональный и экономический аспекты: Дисс. ... докт. ист. наук. – Томск, 2008. – С. 45; Чегодаева М.А. Социалистический реализм: мифы и реальность. – М., 2003. – С. 13; Морозов А.И. Конец утопии. Из истории искусства в СССР 1930-х годов. – М., 1995.

²⁹ Хренов Н.А. Государство и противоречия культурно-художественного развития // Художественная культура социализма: ценности, проблемы, поиски. – М., 1990; Хренов Н.А. Социально-психологический аспект культуры 30-40-х годов. Страницы отечественной художественной культуры. 30-е годы. – М., 1995.

Марказий Осиё мамлакатларининг замонавий тарих ва санъатшунослик фанларида ҳам санъат тарихига бағишланган ишларда унинг ривожланишини ижтимоий нуқтаи-назардан таҳлил қилишга интилиш кузатилмоқда³³.

Мамлакатимиз тасвирий санъати ривожланишининг умумий тенденцияларига бағишланган фундаментал ишлардан биринчи навбатда Н.Р. Ахмедованинг³⁴ монографиясини айтиб ўтиш зарур, чунки унда Марказий Осиё, жумладан Ўзбекистон бадиий маданиятининг шаклланиши ва ривожланиши муаммолари тадқиқ этилган.

Б.А. Абдурахимовнинг³⁵ китобида асосий ижтимоий-динамик жиҳатлар санъатшунослик нуқтаи назаридан ўрганилган. Муаллифнинг қайд этишича, Ўзбекистон бадиий маданиятининг 20-40-йиллардаги фарқли хусусияти тасвирий санъатнинг маҳаллий тажрибаси учун янги тур ва жанрлар ривожланишининг жадаллашуви билан боғлиқ бўлди. А.А. Хакимовнинг³⁶ монографияларини алоҳида эътиборга лойиқ, чунки уларда санъат турларининг таҳлили амалга оширилиб, энг машҳур мусаввирларнинг ижоди ҳамда уларнинг ижтимоий ҳаёти ўрганиб чиқилган.

XX аср 20-40-йилларидаги тасвирий санъатнинг бевосита таҳлили билан бир қаторда, мамлакатимиз санъатшуносларининг ишларида ижтимоий-тарихий воқеалар илк бор тадқиқ этилиб, Ўзбекистоннинг ушбу давр рассомлари ижодидаги кўплаб трансформация жараёнлари изоҳлаб берилган.

1990-йилларнинг ўрталаридан бошлаб, хорижий тадқиқотчиларнинг ишларида сталинизм даврининг расмий санъатига қизиқиш ошганини эътироф қилиш лозим. Бу даврда социалистик реализм назарияси ва амалиёти бўйича бир қатор ишлар нашр этилди. Хусусан, А.А. Бёрд, Д. Эллиот, М. Тупитсин, М. Бойм, Ж. Боулт³⁷ каби тадқиқотчиларнинг ишлари диққатга сазовордир. Нуфузли ғарбий санъатшунослари қаторида бўлган А. Бретон, С. Бойм, Х. Арентс ва бошқалар “совет реализмини бадиий китчга”

³⁰ Жидков В.С., Соколов К.Б. Искусство и картина мира. – СПб., 2003; Жидков В.С., Соколов К.Б. Искусство и общество. – СПб., 2005.

³¹ Соколов К.Б. Социальная эффективность государственной культуры. – М., 1990; Соколов К.Б. Художественная культура и власть в постсталинской России: союз и борьба (1953-1985 гг.). – СПб., 2007

³² Янковская Г.А. Художник в годы позднего сталинизма: повседневная жизнь и (или) идеология – 2005; Янковская Г.А. Искусство, деньги и политика. – Пермь, 2007.

³³ 100 шедевров искусства Казахстана. Живопись. Скульптура. Графика. – Алматы: ИД «Жибекжолы», 2013. – 264 с.

³⁴ Ахмедова Н.Р. Традиции, самобытность, диалог. – Ташкент, 2004.

³⁵ Абдурахимов Б.А. Художественная культура Узбекистана: XX век. – Ташкент: Узбекистан, 2000.

³⁶ Хакимов А.А. Искусство Узбекистана: история и современность. – Ташкент, 2011. Ўша муаллиф. Нетленный свет. Жизнь и творчество Чингиза Ахмарова. – Ташкент, 2018.

³⁷ Bird A. A History of Russian Painting. Oxford, 1987, - P. 257-268; Elliot D. New Worlds: Russian Art and Society 1900 - 1937. – New York, 1986, P. 260-262.; Tupitsyn M. Margins of Soviet Art. – Milan, 1989; Bown M. Art Under Stalin. – New York, 1991. К этой теме обратился даже авторитетный эксперт по советскому авангарду Дж. Боулт: Bowl J. The Stalin Style: the First Phase of Socialist Realism II Sots Art. New Museum of Contemporary Art. – New York, 1986.

тенглаштирганлар³⁸. Марказ билан “чекка ўлка” ўртасидаги ўзаро алоқа муаммосини ўрганган М. Боун ва М. Гланц Ўзбекистон санъати тўғрисидаги маълумотларни А. Волков, У. Тансиқбоев, О. Татевосян, М. Курзин каби машхур рассомларининг ижоди орқали келтириб, уларни барча ўзбекистонлик ижодкорлар орасида энг ёрқин истеъдодли, ўзига хос ва сара рассомлар сифатида баҳолаганлар³⁹.

XX асрнинг 20-40-йилларидаги Ўзбекистон тасвирий санъати тархи бир қатор илмий тўпламларда ўз ифодасини топган⁴⁰.

Хуллас, Ўзбекистоннинг совет давридаги тасвирий санъати хорижий тадқиқотчилар томонидан панорама тарзида тавсифланиб, кўпроқ ахборотли характерга эга. Бу даврдаги Ўзбекистон тасвирий санъати тарихи ҳозиргача алоҳида тадқиқот предмети бўлмаган, балки собиқ СССРнинг бутун худудидаги сиёсий ва маданий жараёнлар билан боғлиқликда кўриб чиқилган.

Диссертациянинг иккинчи боби “**1920-1930-йилларда Ўзбекистонда тасвирий санъатнинг ижтимоий ва ғоявий ҳолати**” деб номланиб, унда республика рассомлари корпусининг шаклланиш тарихи, бадиий таълимнинг вужудга келиши, тасвирий санъат институционал тизимининг қарор топиши кесимида ёритилган.

Иккинчи бобнинг биринчи параграфи “*Ўзбекистон рассомлари корпусининг шаклланиши. XX аср 20 – 30-йилларида тасвирий санъат институционал шакллариининг изланиши*” деб номланиб, бунда асосий эътибор Ўзбекистонда тасвирий санъат қарор топиши тарихи масалаларига, хусусан рус ва совет рассомларининг келиши билан боғлиқ икки даврни ажратишга қаратилган.

Биринчи даврда, яъни 1860-1890-йилларда илмий илмий экспедициялар таркибида Туркистонга бир қанча рус рассомлари ҳам келганлар. Уларнинг ижоди муҳитнинг ривожланиши ва шу асосда маҳаллий аҳолида бадиий иштиёқнинг шаклланишига сабаб бўлиб, тасвирий санъатнинг янги турларига жалб этилиши содир бўлган. Рус рассомларининг аксарияти яхши мутахассис бўлиб, бадиий мактаблар ва студияларда, жумладан Тошкент эркаклар ва аёллар гимназияси, Реал билим юрти, Тошкент кадетлар корпусида дарс берган. Айнан шу вақтда Туркистонда тасвирий санъатнинг ривожига асос солинган. Бунда С.П. Юдин, И.С. Казаков, В.К. Развадовскийнинг улкан хизматлари бор. Аммо уларнинг реалистик,

³⁸ Бретон А. Почему от нас скрывают русскую живопись // Искусство. – Ташкент, 1990. – № 5. – С. 35-37; Бойм С. Китч, «кемп», «банальность зла» // Бойм С. Общие места. Мифология повседневной жизни. – М., 2002. – С. 27 – 25; Greenberg С. Avant-garde and Kitsch II Art and Culture. – Boston, 1962.

³⁹ Giants M. From the Southern Mountains to the Northern Seas II New Perspectives on Russian and Soviet Artistic Culture. Selected papers from the Fourth world Congress for Soviet and East European Studies. – Harrogate, 1990. – P. 95-111.

⁴⁰ New perspectives on Russian and Soviet artistic culture/ edited by John O. Norman. / Alison L. Hilton «Remaking folk art: Russian revival to proletcult». – P. 80; Katherine Theimer Nepomnyashchy «Perestroika and the Soviet creative Unions». – P. 131. Campbell K., David. K. Ten years of Uzbekistan: A Commemoration. – London, 1994.

академик анъаналари Туркистон рассомларининг ёш авлоди санъатида ривожланмай қолган. Этнографизм ҳамда Шарқни декоратив, тимсолий ва академик идрок этишга устуворлик берилиб, бунга мойиллик А. Исупов, А. Волков, О. Татевосян каби янги авлод ижодида, яъни XX асрнинг биринчи икки ўнлигида рус бадиий мактабларида таълим олган рассомларнинг ишларида намоён бўлган⁴¹.

Иккинчи давр 1890 – 1920 йилларни қамраб олган. Маҳаллий тасвирий санъат Туркистонга келган авангардчи рассомларнинг таъсирида шакллана бошлаган, чунки улар шарқий контекстда мавжуд бўлган авангард санъатни ҳисобга олаётган янги бадиий тизимни яратиш учун бу маконда янги услубий воситаларни топганлар. Мазкур икки даврнинг вакиллари Туркистон авангардига асос солган. Бу оқим учун Шарқ мусаввирлиги, айниқса миниатюра усулларининг Рус-Европа санъати анъаналари билан уйғунлиги хосдир. И. Мазель, М. Курзин, В. Уфимцев, Н. Кашина, Е. Коровай, Н. Карахан, А. Волков, А. Николаев (Усто Мўмин), А. Исуповлар мазкур йўналишнинг вакиллари эдилар⁴².

Ўлкада рус рассомлиги мактабининг фаолияти маҳаллий рассомлар учун тасвирий санъатнинг улар учун янги бўлган дастгоҳли рангтасвир турларини ўзлаштиришни осонлаштирди. Ўзбекистонда бу даврда пайдо бўлган мактаблар ва студиялар Тошкент ва Самарқандда тасвирий санъатнинг ривожига катта ҳисса қўшган. Мутахассис-рассом миллий кадрлар шаклланишининг бошланғич босқичида бу нарса айниқса муҳим аҳамият касб этган. Шундай қилиб, Туркистон-Ўзбекистон минтақасига келиб қолган ва ижодий салоҳияти турлича бўлган авангардчи рассомларнинг бутун бошли авлоди ўлка тасвирий санъатининг ривожланиш жараёнига таъсир кўрсатиб, 1920-1930-йиллардаги Ўзбекистон тасвирий санъатида ўз дискурсини яратишга муваффақ бўлган.

Ҳаётни эркинлаштириш рассомларнинг нафақат ижодий изланишлари, балки турли ижодий уюшмаларнинг ишидаги фаол иштирокида намоён бўлган. 1926 йилда Тошкентда ташкил топган Инқилобий рассомлар ассоциацияси мусаввирликнинг турли жанрлари, ҳайкалтарошлик, графика соҳасида ижод қилган Ўзбекистон тасвирий санъати вакилларини бирлаштирувчи биринчи ташкилотдир. ИРА нафақат рассомларни бирлаштириш, балки сиёсий ва ғоявий долзарб муаммоларни – “қаҳрамонона реализм” ғояларини кенг тарғиб этиш, маҳаллий рассомларни жалб этиш ва инқилоб мафқураси руҳида тарбиялаш каби вазифаларни ўз олдига қўйган эди.

⁴¹ Такташ Р.Х. Искусство советского Узбекистана. – Ташкент, 1972.

⁴² Ахмедова Н. Проблемы адаптации и синтеза в развитии живописи региона // Живопись Центральной Азии XX века: традиции, самобытность, диалог. – Ташкент, 2004.

1927 йилдан Тошкентда “Мастера нового Востока”⁴³ (“Янги Шарк усталари”), “Ассоциация работников изобразительного искусства”⁴⁴ (“Тасвирий санъат ходимларининг ассоциацияси”) номли ижодий уюшмалар иш бошлади. Рассомларнинг барчаси атрофдаги воқеалар динамикасини ўзларининг дунёқарашидан келиб чиқиб, ўз бадиий талқини асосида акс эттирганлар. Республика маданий ҳаётида фаол иштирок этган рассомлар ўз бадиий кўргазмаларини уюштириб, маҳаллий аҳоли орасида тасвирий санъатнинг оммалашувига хизмат қилганлар⁴⁵.

Ўзбекистон рассомлари биринчи уюшмаларининг асосий аҳамияти шундаки, улар нафақат тасвирий санъатнинг қарор топиши ва шаклланишида қатнашганлар, балки бу жараёнга замонавий жаҳон танденцияларини олиб кирганлар.

Иккинчи параграф *“Тасвирий санъатдаги мафкуравий тенденциялар ва социалистик реализмнинг қарор топиши: ижодиёт ва ҳақиқатлар”* деб номланган. Санъат ишлари бўйича Бутуниттифоқ кўмитаси янги бошқарув механизмнинг тепасида туриб рассомларни ҳар томонлама назорат қилиш, мафкуравий таъсир кўрсатиб, уларнинг ижодини ҳокимият манфаатига хизмат қилишга йўналтириш каби вазифаларни бажарган. Фақат ушбу тамойилга риоя қилган ҳолдагина ҳамфикрлар жамиятини “порлоқ келажак” сари мунтазам илгари суриш мумкин, деган мақсад кўзда тутилган.

1930-йилларда маданият ва санъатнинг ижодий методи сифатида “социалистик реализм” эълон қилиниб, унинг моҳияти мавжуд тузумни идеаллаштиришдан иборат бўлган. Бу даврда ижод партиявийлик тамойилларига бўйсундирилган эди.

1930-йилларнинг охирига келиб, социалистик реализм совет санъатининг асосий негизига айланди⁴⁶. Аммо, 1930-йилларнинг биринчи ярмида Ўзбекистон рассомлари тасвирий санъатда миллий шаклни топишга интилиб, уни замон талабига мослаштиришга ҳаракат қилганлар. Уларнинг асарлари давр мафкурасига сунъий равишда бўйсундирилган бўлса-да, бадиий ўзига хосликни ифода этган. 1930-1935-йиллар рассомлик, шунингдек, бутун бошли бадиий тизимда социалистик менталитетининг шаклланиши билан характерлангандир. Санъатда душманни аниқлаш, мафкуравий террор ва формализмга қарши қатъий кураш 1936-1937-йилларга тўғри келган эди.

Социалистик қурилиш мавзулари ва инқилобий сюжетларга бурилиш 1930-йиллардаги совет тасвирий санъати учун хос бўлган. Совет санъатида

⁴³ Еремян Р.В. «Мастера нового Востока» как часть мирового художественного процесса // Сан'ат. – Ташкент, 2004. – № 3-4.

⁴⁴ РГАЛИ, ф. 2941, оп. 1, д. 36.

⁴⁵ Такташ Р.Х. Изобразительное искусство Узбекистана. – Ташкент, 1972; Ремпель Л.И. Мои современники (20-е – 80-е годы). – Ташкент: Изд-во Лит. и искусства, 1992.

⁴⁶ Веймарн Б.В., Черкасова Н. Искусство советского Узбекистана // Очерки живопись, графика, скульптура. – М., 1960.; Манин В.С. Искусство в резервации: художественная жизнь 1917- 1941 гг. – М., 1999; Чегодаева М.А. Социалистический реализм: мифы и реальность. – М., 2003 и др.

мураккаб ижтимоий муаммолар, хато ва камчиликларни беркитиш тенденциялари кучайиб борган. Социалистик ва “буржуача” мафкуралар, дунёқарашларнинг яширин кураши бошланиб, усталардан ички “қайта куриш” талаб этилган. Социалистик реализм методига асосланган бадиий маданият ривожланиши йўллари тўғрисида барча рассомлар ҳам бир фикрда бўлмаганлар. Рассомларнинг аксарияти ўзига хос миллий санъат асарларини яратишни мақсад қилиб, индивидуал услубга эга бўлишга ҳаракат қилганлар. Негаки, замонавийлик ва инқилобий ўтмишни марксизм-ленинизм нуқтаи назаридан ўрганиш, замонавий ва тарихий мавзулардаги тематик ишларда социалистик ўзгаришларни акс эттириш, портрет жанрини ривожлантириш, даврнинг дохийлари ва қаҳрамонларини тасвирлаш талаби рассомларнинг қарашларига зид бўлган.

Ўз ижодида замонавий мавзулардан фойдаланган бир қатор рассомлар Ғарбий Европа санъатига қизиқишларини намоеън этганлар. Бундай таъсирни А. Волков, О. Татевосян, Ў. Тансиқбоев, Н. Кашина, М. Курзин, П. Беньков, Н. Карахан, В. Маркова каби рассомларнинг ижодида кузатиш мумкин. 1932-1938-йилларда Ўзбекистонда у ёки бу рассом раҳбарлигидаги бадиий бригадалар фаолият кўрсатган. 1935-йилда Тошкентда А. Волков ва М. Курзин раҳбарлигида рассомларнинг иккита асосий бригадаси мавжуд бўлган. Самарқандда бу йилларда П. Беньков мактаби билан бир қаторда Е. Коровай, В. Еремян, Г. Никитинларнинг ижодий гуруҳи ўз концепцияларига эга бўлган. Қаттиқ мафкуравий босим ва соцреализмнинг қарор топиши бадиий вазиятни томомила ўзгартириб юборган эди. Мавзувий режаларнинг талаб қилиниши ижодий қарашлари шаклланиб бўлган етук рассомларда ички қаршилик туғдирар эди. Битта кўрғазмадан кейингисигача бўлган давр ичида улар ўз қарашларини қайта кўриб чиқишга мажбур бўлганлар. Мазкур рассомларнинг ёрқин индивидуаллиги давлат мафкурасига зид кела бошлаган эди, чунки унинг энг муҳими – совет маданияти ғоявий таркибининг бирлиги асосида ривожланаётган санъатнинг тамойилларини ишлаб чиқиш ҳисобланган. Натижада рассомлар республика колхозлари ва турли қурилишларга бориб, ҳисобот кўрғазмаларини ўтказишга мажбур бўлганлар. Бундай тадбирларда ҳар доим социалистик санъат қандай бўлиши кераклиги ҳақида қизгин мунозаралар олиб борилган. Ушбу чоралар ҳокимият учун ижодий жараёни назорат қилишга имкон яратган. Бироқ, А. Абдуллаев, Л. Абдуллаев, А. Розиков, Р. Тимуров каби ёш рассомлар мазкур шароитда шаклланганликлари туфайли улар томонидан реализмни бундай кесимда ўзлаштириш табиий ҳол бўлган.

Соцреализм учун курашда асосий назорат қилувчи орган вазифасини иккита бошқарувчи ташкилот, яъни Совет рассомлари уюшмаси ва СССР санъат ишлари бўйича Бошқармаси бажарган⁴⁷. Бу ташкилотлар умуммиллий

⁴⁷ Янковская Г.А. Искусство, деньги и политика: художники в годы позднего сталинизма. – Пермь, 2007; НАУз, ф. Р-2320, оп. 1, д. 26-38; РГАЛИ, ф. 962, оп. 3, д. 408; Там же: Ф. 2906, оп. 1, д. 320, 327, 330, 356 – Материалы управления домами творчества и отдыха Художественного фонда СССР.

мавқега эга бўлиб, бир вақтнинг ўзида буюртмачи, буюртманинг бажарувчиси, мол-мулкнинг эгаси, бадий асарларнинг сақловчиси вазифаларини бажарар ҳамда рассомларнинг ижтимоий таъминоти масалаларини ҳал қилар эди.

Ўрганилган даврда мамлакат ижтимоий ҳаётининг барча соҳалари, жумладан, ташкилий ва ижодий тузилмаларнинг барча жабҳалари давлат томонидан қатъий назорат ва регламентация қилинган. Партиявий шиорлар панасида маъмурий-буйруқбозлик тизими ижодкор зиёлиларнинг иш жараёнига кўпол равишда аралшиб турган. Ижодкорларнинг қандай ишлаши кераклиги тўғрисидаги кўрсатмалар баъзан ўта бемаъни шакллар касб этиши мумкин эди. 1930-йилларда кўплаб кўрғазмалар ўтказилар, сўнгра эса мажлислар уюштирилиб, рассомларнинг асарлари муҳокама қилинар эди. Уларда “расмиятчи рассомлар” танқид қилиниб, соцреализм руҳида ижод қилаётган ҳамкасблари тақлид қилишга намуна сифатида кўрсатилган. Мусаввирлар ҳамжамияти рақобатдош гуруҳларга бўлинганлиги сабабли, уларни “мафкуравий жиҳатдан тўғри асарлар” яратишга осонгина жалб этиш мумкин эди. Натижада индивидуал фикрлаш ихтиёрини давлат таффаури билан алмаштириш жараёни содир бўлган.

Мавжуд тузумга оппозицияда бўлган фуқароларга нисбатан ҳокимият қатағонлик сиёсатини амалга оширган. Истеъдодли рассомларнинг аксариятига қарши эълон қилинган асосий стандарт айблов – “сиёсий калтабинлик, мафкуравий ғализлик, ижоддаги майда буржуа оғиш” бўлган. Шундай қилиб, 1930-йилларни санъатга давлат монополиясининг ўрнатилиши ва соцреализмнинг тадрижий қарор топиши даври деб айтиш мумкин. Соцреализмнинг қарор топиши учун “тинч кураш” 1936 йилгача, яъни ўзгача тафаккур қилишга қарши террорнинг авж олган пайтигача давом этган. Мафкуравий босимнинг навбатдаги босқичи 1946 йилдаги “Звезда” ва “Ленинград” журналлари тўғрисидаги ВКП(б) МКнинг қароридан⁴⁸ бошланди. Бу ҳужжатлар рассомлар учун ҳам мудҳиш огоҳлантириш бўлган. Бу қарор Санъат ишлари бўйича бошқармаларнинг барчасида, жумладан, Ўзбекистон рассомлари уюшмасида ҳам муҳокамадан ўтган. Ижодий ташаббуснинг намоён қилиниши ёт таъсир сифатида қаралиб, барча ўзгача назариялар ва қарашлар расмиятчилик ва мафкуравий жиҳатдан зарарли, уларни тарғиб этувчи шахслар эса Ғарб маданиятининг маддоҳлари деб айбланган. 1940-йиллардаги тасвирий санъат социалистик реализмнинг устуворлиги билан характерланиб, қолган тенденциялар эса қатағонликларга учраган.

Иккинчи бобнинг учинчи параграфи “*Ўзбекистон рассомлари кундалик муаммоларининг таҳлили ва уларга бошқарув тузилмаларининг муносабати*” деб номланади. Совет рассомларининг ижодий ҳаёти ва маиший

⁴⁸ Асл нусхаси. Машинкада ёзилган. РЦХИДНИ. (Российский Центр хранения и изучения документов новейшей истории), 17-жамғарма, 116-рўйхат, 172-иш, 7-11-варак.

масалаларининг ечимида учта давлат ташкилоти, яъни Санъат ишлари бўйича Бошқарма, Совет рассомлари уюшмасининг ташкилий кўмитаси (СРУ ТК, русчада Оргкомитет ССХ) ва Бадиий фонд (Худфонд) катта роль ўйнаган. Рассомлар ҳаётининг ижтимоий муаммоларини ҳал қилишнинг барча ҳуқуқлари Ўз СРУ нинг тасарруфида бўлган. Аслида эса маиший шароитлар ўта қашшоқликка яқин эди.

1920-1940-йиллардаги ижтимоий ҳаётда рўй берган ўзгаришлар тўғрисида рассомларнинг хотиралари ва шахсий хатлари, турли органлар, газета ва журналларга ёзган мурожаатномалари, маданият соҳасига оид тадбирлардаги чиқишлари холисона гувоҳлик беради. Ижодий ташкилотлардаги крим-чиқим ҳужжатларининг миқдорий ва сифат кўрсаткичларини таҳлил қилиш асносида рассомларнинг даромадлари ўта паст, иш учун зарур материалларнинг нархи эса жуда қиммат бўлганлиги аниқланди. Рассомларнинг муаммоларини шартли равишда ижодий, ташкилий, сиёсий ва моддий гуруҳларга ажратиш мумкин. Уларнинг фаолияти билан бевосита боғлиқ масалалар ижодий талаблар сирасига киради. Юқори органларнинг рассомлар ишларига бефарқлиги тўғрисидаги арзномаларни сиёсий характердаги муаммолар қаторида ўрганиш лозим. Рассомларнинг меҳнат фаолияти учун шароитларнинг мавжуд бўлмагани ташкилий гуруҳдаги ҳужжатлардан яққол кўринади. Рассомларнинг аксарияти ўз асосий фаолиятидан ташқари қўшимча иш излашга мажбурлиги тўғрисида арз қилиб, бу ҳолат ижодий жараёнга салбий таъсир кўрсатаётганлигини таъкидлаганлар. Ташкилий талаблардан ижодий сафарларга маблағ ва имкониятларнинг етарли бўлмаганини айтиб ўтиш лозим. Моддий-маиший қийинчиликлар қаторига асосан уй-жойларнинг йўқлиги, устахоналар қурилиши билан боғлиқ муаммолар кирган. Рассомларнинг кундалик муаммоларидан бири режалаштирилган кўрғазмаларнинг доимий суратда бекор қилиниши ҳоллари бўлиб, бунинг асосий сабаби сифатида Санъат ишлари бўйича бошқарманинг лоқайдлиги қайд этилган.

1932 йилнинг 22 декабрида ЎзССР ХКС томонидан қабул қилинган қарорда Ўзбекистон юқори малакали рассом ва ёзувчиларнинг маиший шароитларини яхшилаш тўғрисида айtilган эди⁴⁹. 1937 йилнинг май-июнь ойларида қабул қилинган ЎзССР ХКС нинг Ўзбекистон ССР санъати ривожланишига қўшимча сармояларнинг ажратилиши тўғрисидаги 404 ва 1203-сонли қарорлар⁵⁰ қоғозларда қолиб кетган. Рассомлар реал воқелик билан ҳокимиятнинг қарорлари ўртасидаги тафовутни кўриб турганлар. 1930-1940-йилларда Ўзбекистон рассомлари давлат манфаатлари

⁴⁹ Ўз МА. 837-жамғарма, 10-рўйхат, 42-иш, 51-варак.

⁵⁰ О дополнительных капиталовложениях по развитию искусства в Узбекской ССР: Постановление Совнаркома СССР, 31 мая, 8 июня 1937 г. / КПСС и Сов. Правительство об Узбекистане. Сб. документов. – Ташкент, 1972. – С. 612, 614.

доирасининг чеккасида қолиб, турмуш ва ижод учун зарур шароитларга эга бўлмаганликлари кўзга яққол ташланади.

Иккинчи бобнинг “*Совет ҳокимиятининг рассомларга қарши қатағонлик сиёсати*” номли тўртинчи параграфида ҳукумтнинг “хавфли ижтимоий қатлам” деб ҳисобланган ўзгача фикрлайдиган ижодкор зиёлиларга қарши кураши кўрсатилган. ВКП(б) МКнинг 1932 йил 23 апрелдаги қарори “тасвирий санъат соҳасида социалистик реализмнинг ривожланиши ва қарор топишига халақит берувчи нотўғри, зарарли назариялар ва элементлар”га қарши курашда асосий ҳужжат бўлган. Сиёсий босим шунчалик кучли эдики, рассомларнинг ҳар бири ишлашни давом эттиришни истаса, мавжуд доира чегарасида мослашишга мажбур эди ва соцреализм асосида асарлар яратиши, давлат буюртмасини бажариши, “сиёсий жиҳатдан фаол бўлиб, мажлисларда “расмиятчилар”ни ўз вақтида танқид қилишни билиши керак” эди⁵¹.

Лекин улар орасида мажбуран тикиштирилган шароитларга мослаша олмаган ижодкорлар ҳам учраб, улар ўз бадиий тамойиллари ва идеалларига содиқ қолиш йўлида моддий манфаатларидан кечиб, эрки ва ҳаттоки жонини қурбон қилиб, босимдан қутилишга интиланлар. Кўплаб ижодкор зиёлилар учун 1937 йил энг мудҳиш даврнинг чўққиси бўлган. Давлат томонидан қўйилган мақсадни назарга олмаслик – нафақат ижод қилиш имконияти, балки ҳаётдан маҳрум бўлиш эканлигини қатағонлик сиёсати очиқ-ойдин намоиш этиб берган.

Бадиий маданият соҳасидаги ишлар аҳволини назорат қилишда ВЧК-ОГПУ-НКВД, яъни сиёсий назорат бўлимлари катта рол ўйнаб, ижод аҳли орасида агентура тармоғини ташкил қилган ва зиёлилар кайфиятлари тўғрисида маълумотлар йиғилиб, сиёсий раҳбариятга таҳлилий маълумотномаларни тайёрлаш билан шуғулланган.

Қатағонлик жараёнлари ва расмиятчилик билан курашнинг янги тўлқини 1946-йилдаги ВКП(б) МК нинг “Звезда” ва “Ленинград” журналлари, шунингдек 1948 йилнинг 20-21 феввалидаги В. Мураделининг операси тўғрисидаги қарорларидан бошланди. Мажлислар резолюцияси ВКП(б) МК нинг дастурига биноан рассомларнинг ижодий жараёнини қайта куриш ҳақидаги аниқ кўрсатмалар барча уюшмаларнинг раёсатларига юборилиб, жойларда муҳокама қилинди. Ҳукумат расмиятчиликка қарши кураш бошлаб, уни совет санъатининг асосий душмани деб эълон қилди. Ташкилий қўмитанинг ҳамма пленумларида рассомларнинг диққатини расмиятчилик билан курашга янада чархлаб, тасвирий санъатда социалистик реализм, партиявийлик ва халқчиллик учун курашга чорловчи шиддатли шиорлар янграган.

⁵¹ Расмиятчилар деб ўз ижодида турли модернистик оқимларнинг тарафдорлари бўлган шахсларга нисбатан айтилган.

Диссертациянинг “1940-йилларда Ўзбекистон тасвирий санъати ходимларининг ижтимоий аҳволи” деб номланган учинчи бобида Ўзбекистон рассомлари ва бадиий ўқув юртларидаги ташкилий ва моддий муаммоларнинг комплекс таҳлили берилган. Шунингдек, Иккинчи жаҳон уруши даврида Ўзбекистон рассомларининг кундалик ҳаёти батафсил ёритилган.

Учинчи бобнинг биринчи параграфи “1940-йилларда Ўзбекистон рассомларининг ижтимоий аҳволи” деб номланиб, унда республика рассомлари ва билим юртларининг молиявий муаммоларига алоҳида эътибор қаратилган.

1930-йилларда тасвирий санъатда шаклланган ижтимоий тенденциялар Ўзбекистоннинг 1940-йилларидаги тасвирий санъатида ҳам устуворлигини намоён этган. Бу нарса молиялаштиришнинг етарли эмаслиги, рассомлар учун иш шароитларининг йўқлигида яққол кўринган. Ижтимоий муаммолар манзарасини Ўзбекистон бадиий ўқув юртларининг фаолиятига қараб тавсифлаш мумкин. Негаки, давлат тасарруфида бўлишига қарамай, улар мунтазам равишда қийинчиликларга дучор бўлган. Кўргазмали куроллар, дастурларнинг йўқлиги, молиялаштиришнинг сустлиги, моддий базанинг заифлиги, дарсхоналарнинг йўқлиги бу давр учун одатий ҳол эди. Мазкур муаммолар бадиий ўқув юртларини (Тошкентдаги рассомлик билим юрти, Самарқанд бадиий техникуми) тасодифий омилларга қарам қилиб, дарсларнинг узоқ муддатли тўхталиши ёки баъзи синфларнинг умуман ёпилишига сабаб бўлган.

Бир қатор қийинчиликларга қарамай, Тошкент, Самарқанд ва Фарғонада барпо этилган малака ошириш студиялари дарс бериш сифатини яхшилаш, мутахассисларни тайёрлаш тажрибасини жамлаш ва тизимлаштиришга имкон яратган. Аммо архив ҳужжатларига кўра, совет ҳокимиятининг бадиий таълимга муносабати ўта расмий бўлиб, ёш рассомларнинг контрактацияси ҳам ниҳоятда суст ўтган.

1940-йилларда рассомларнинг ижтимоий ҳаётини бошқарувчи совет тизимида янги таркибий қисм сифатида барпо этилган бадиий жамғарма (Худфонд) тасвирий санъат асарларини яратиш бўйича давлат ташкилотлари ва идораларнинг буюртмаларини бажариш, кўргазмаларни ташкиллаштириш, ижтимоий иморатларни безатиш каби ишларни ўз зиммасига олган. Аммо муҳтожликда яшаётган рассомларга ёрдам кўрсатиш учун барпо этилган мазкур ташкилот фаолиятида оддий рассомларга нисбатан камситиш ҳоллари кузатилган. Расмий жиҳатдан мустақил ташкилот ҳисобланган бадиий жамғарма аслида СРУ ва унинг раёсатига тобе бўлган. Сердаромад буюртмалар ЎзСРУ ёки маданият соҳасидаги мансабдор шахсларга яқин рассомлар ўртасида тақсимланган. Бунинг натижасида ҳисоботлардаги маълумотлар сохталаштирилган, чунки Рассомлар уюшмаси томонидан

тузилган иш режалари ва Бадий жамғарманинг фаолияти кўп ҳолларда реал имкониятлар билан асослаб берилмаган эди.

Фан ва санъат ходимларининг ижтимоий таъминоти махсус ташкил қилинган ёпиқ ошхоналар, буфетлар ва алоҳида магазинлар билан чекланиб қолмаган. СССР савдо халқ комиссарлигининг 1942 йилнинг 2 июлидаги 170-сон буйруғига кўра, ходимларнинг таъминоти карточкалар⁵² асосида амалга оширилиб, озиқ-овқат таъминотида улар саноат корхоналарининг ишчиларига тенглаштирилган эди. 1943 йилда рассомларга бадий-безаш ишлари учун мукофатлаш нормаси белгиланди. Шу йилнинг ўзида тақдим этилган билдиришнома рассомларнинг иш ҳақини тартиблаштиришга оид бўлиб, минимал ва максимал иш ҳақини белгилаб берган⁵³. Тасвирий-безаш ишлари, декорация, бўяшлар, яъни қўшимча меҳнатни баҳолаш аслида анча пасайтириб юборилган эди. Тирикчилик ва моддий шароитни яхшилаш учун тўхтовсиз кураш рассомларга доим салбий таъсир кўрсатиб турган.

Учинчи бобнинг иккинчи параграфи *“Иккинчи жаҳон уруши даврида Ўзбекистон рассомларининг кундалик ҳаёти”* деб номланган. Иккинчи жаҳон уруши йилларида СССР фан ва маданиятининг бир қатор арбоблари Ўзбекистонга эвакуация қилинган эди. Улар орасида ижодкор зиёлилар вакиллари эвакуация қилинган ўқув юртларида ўз фаолиятини давом эттирганлар⁵⁴. Маиший қийинчиликлар, аудиторияларнинг етишмаслиги ва иморатларнинг таълим жараёни учун яроқсизлигига қарамай, ўқитувчиларнинг юқори малакаси ва фидоийлиги ўқув жараёнини анча юксак даражада ташкиллаштиришга имкон берган.

Уруш даврининг қийинчиликларига қарамай, ўзбек халқининг тарихий ўтмиши, ватан озодлиги учун курашган, санъат асарларида абадийлаштиришга рухсат берилган афсонавий шахсларга мурожаат қилиш тенденциясини айтиб ўтиш лозим. Ўзларини ғоявий жиҳатдан ишончли деб танитган рассомлар буюртмалар, яъни оқибатда иш ҳақи билан таъминланган эди. *“Ўзбекистон Улуғ Ватан уруши йилларида”* номли кўргазмаси сметасининг таҳлилига кўра, рассомларнинг фақатгина 30% билан контрактлар тузилган бўлиб, қолган 70% яшаш учун маблағсиз қолган⁵⁵.

Иккинчи жаҳон уруши бутун бошли давлат учун, жумладан ижодкор зиёлилар учун оғир синов бўлди. Бадий-сиёсий ишлар мунтазам равишда мамлакатнинг 9та қурилиш объектларида, хусусан Фарход электростанцияси, Металлургия комбинати, Сталинуголь ва бошқа стратегик объектларда амалга оширилган. Уруш йилларида рассомлар 250 дан ортиқ колхозларга бориб келганлар. Масалан, фақатгина Бекобод, Оҳангарон, Чирчиқ

⁵² Сборник важнейших приказов и инструкций по вопросам карточной системы и нормированного снабжения. – М.: Госторгиздат. 1943. – 163 с.

⁵³ Асарларни баҳолаш ва иш ҳақи тўғрисида 6-сон иловада батафсил қаранг.

⁵⁴ Суриков номидаги Москва бадий институти, Бутунроссия бадий академияси, Ленинград рассомлик, ҳайкалтарошлик ва меъморчилик институти, Марказий бадий саноат билим юрти. РДАСА, 962-жамғарма, 1-рўйхат, 1156-иш, 48-варак.

⁵⁵ Ўзбекистон Улуғ Ватан уруши йилларида номли сметани 7-сон иловага қаранг.

районларидаги 68та колхозда иш олиб борилганлиги аниқланди. Атиги 15 нафар рассом 553 та портрет, 44 плакат, 108 та шиор, 44 та деворий газета, 18 та панноларни бажаришга муваффақ бўлган.

Барча рассомлар маданий ҳаётда ҳам иштирок этишга фаол равишда жалб этилган. Фақатгина 1943 йилда Рассомлар уюшмаси томонидан 30 та шахсий ва гуруҳли кўргазма, 25та ижодий кеча ташкил қилинган эди.

Иккинчи жаҳон уруши давридаги социалистик реализм санъати 1930-йиллардаги социалистик реализмдан уруш даврининг дунёқараши билан сезиларли равишда фарқ қилган. Ижод аҳлининг уруш йилларидаги асосий мақсади фронт ва фронт ортидаги совет халқининг жанговор руҳини кўтариш бўлган, ваҳоланки уруш жараёнидаги кескин бурилишдан сўнг совет мафкураси “танқиднинг ўткир тифини” омма орасида ғоявий-сиёсий иш олиб боришнинг сустлаштирилганига йўналтирган⁵⁶.

ХУЛОСА

1. XX аср 20-40-йилларидаги Ўзбекистон тасвирий санъатининг ижтимоий тарихи тасвирий санъатдаги янги шаклларнинг вужудга келиши ва ривожланиши, рассомлардаги ижодий изланишларнинг нисбий эркинлиги, санъатни бошқаришнинг дастлабки институционал шаклларининг пайдо бўлиши, шунингдек уларнинг ўрнига келган ва давлат назорати остидаги ташкилотларнинг фаолияти билан характерланади. Ҳокимият билан рассомлар ўртасида ўзига хос муносабатларнинг ўрнатилиши, бадиий импровизациядан социалистик реализмга ўтиш мазкур даврнинг белгисидир.

2. Архив маълумотлари, мемуар, эпистоляр ва бошқа манбаларнинг салмоқли мажмуи ҳамда тарихшунослик ва санъатшунослик соҳаларидаги ишларнинг таҳлили XX асрнинг 20-40 йилларидаги Ўзбекистон санъатининг ижтимоий тарихи, жумладан рассомларнинг кундалик ва ижодий ҳаётини тиклашга имконият яратди.

3. Танланган мавзу бўйича эълон қилинган ишларнинг кўплигидан қатъий назар, 1920-1940-йиллардаги Ўзбекистон тасвирий санъатининг аксарият муаммолари ҳозирги вақтгача тарихшунослар томонидан ўрганилгани йўқ. Айниқса, бу нарса рассомлар ҳамжамияти ичидаги ижтимоий трансформациялар масалаларига тааллуқлидир.

4. Тарихшунослик материалининг таҳлили Ўзбекистон тасвирий санъатининг ижтимоий тарихи муаммоси санъатшунослар томонидан фрагментар равишда ўрганилаётганлиги тўғрисида хулоса чиқаришга имкон беради. Бунда тасвирий санъат ривожланиши масаласи бўйича изланишлар санъатшунослик характерида эга. Афсуски, санъат арбобларининг ижодий

⁵⁶ Волков С. История русской культуры XX века. – М., 2011. – С. 178.

ҳаётини жамиятнинг барча муаммо ва ютуқлари билан яхлитликда ёритаётган тадқиқотлар ҳозирги пайтгача мавжуд эмас.

5. 1920-йиллар ва 1930-йилларнинг биринчи ярми мобайнида бошқа иттифоқдош республикаларда бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам турли йўналишларда ижод қилаётган истеъдодли рассомларни бирлаштирувчи хилма-хил ташкилотлар гоҳ барпо этилиб, гоҳ йўқолиб борган. Улар санъатнинг альтернатив институционал шаклининг ифодаси бўлиб, шу пайтгача рухсат берилган ижодий эркинликни белгилаган эди.

6. Таъсвирий санъат ходимлари ҳамжамиятини назорат қилишнинг имконсизлиги маълум хавф туғдириб, санъат арбобларини назорат этишда институтлаштиришнинг янада қатъий шаклини талаб қилган. ВКП(б) МК нинг 1932 йил 23 апрелидаги “Адабий-бадий ташкилотларни қайта қуриш тўғрисида”ги қарори барча бадий гуруҳларнинг фаолиятига барҳам бериб, мамлакатдаги жами ижодий бирлашмаларни тугатди ва уларнинг ўрнига ягона ижодий (рассомлар, меъморлар, ёзувчилар ва ҳоказо) уюшмалари ташкил этилиб, маданият ва санъат фаолиятининг бошқаруви Компартиянинг цензура аппаратига топширилди.

7. 1930-йиллар санъатда давлат монополиясининг ўрнатилиши ва соцреализмнинг тадрижий такомилли даври бўлган. Санъатда ягона бадий усулнинг қарор топиши рассомларнинг мафкуравий нуқтаи-назарини аниқлаш учун зарур бўлган. Соцреализм ягона бадий метод сифатида рассомларнинг онгини бошқариш имконини берган.

8. Рассомларнинг асарларини муҳокамадан ўтказувчи мажлислар совет ҳокимиятининг ютуқларини тарғиб этган кўплаб кўргазмаларнинг натижаси деб эътироф этиш лозим. Бадий ҳамжамиятнинг рақобатчи гуруҳларга ажратилиши уларни “мафкуравий жиҳатдан тўғри” асарларни яратиш учун мажбурлаш имконини берган. Бунинг натижасида индивидуал тафаккурнинг давлат манфаатларига мос бўлган фикрлашга алмашинуви жараёни содир этган.

9. Рассомлар тирикчилигининг ижтимоий шароитларига доир барча ҳуқуқлар ЎзСРУнинг тасарруфида бўлган. Ижодкорларнинг кундалик ҳаёти моддий ташвишлар, тирикчилик учун курашдан иборат бўлиб, тегишли ташкилотларнинг бу муаммоларни ҳал қилишга қурби етмаган. Мансабдор шахсларнинг ўз вазифасига совуққонлик билан қараши, ўз амалини суистеъмол қилиши натижасида рассомларнинг муаммолари ўз ечимини топмасдан, уларни ижоддан чалғитган.

10. Ўзбекистон рассомларининг XX аср 30-40-йилларидаги аҳволи СССРнинг марказий ҳудудларидаги ҳамкасбларининг шароитларидан фарқ қилган. Катта давлатнинг чеккасида қолиб, улар турмуш ва ижод учун керакли шароитларга эга бўлмаган. Уларнинг ўз оғир моддий аҳволи тўғрисидаги кескин чиқишлари, маиший шароитларнинг яхшиланишига доир даъволари айнан шундан келиб чиққан.

11. Санъат бозори, иш материаллари, ташкиллаштирилган ва мунтазам буюртмаларнинг йўқлиги, безатиш ишлари, декорациялар, бўяш ишларига паст нархлар рассомларнинг оғир аҳволини янада танг қилган. Тирикчилик ва ўз моддий шароитларини бир қанча яхшилашга қаратилган кураш рассомларнинг руҳий ҳолатига салбий таъсир кўрсатиб, ижодий инқирозга сабаб бўлган.

12. Иккинчи жаҳон уруши йилларида республика маданий ҳаётининг ўзига хос хусусияти унинг байналминал характери эди. Бу жиҳат Ўзбекистонга эвакуация қилинган ижодий йўналишдаги олий ўқув юртлари ҳамда жамоалар билан ўзаро бир-бирига таъсир ва ҳамкорлик асосида шаклланиб, ўзбек рассомлари маҳоратининг сайқалланишига сабаб бўлган. Маданият ва санъат арбобларининг ижодий ҳамкорлиги натижасида иттифоқдош халқлар билан ўзаро бойитиши жараёни кучайиб, бадиий жамоаларнинг ижодий даражаси юксалиб борган.

13. Ўзбекистон санъатининг XX аср 20 – 40-йилларидаги ижтимоий тарихида санъат билан давлат мафкурасининг узвий боғлиқлигини кузатиш мумкин. Совет санъати давлат мафкурасига очик қарши чиқмасдан, мазкур давр рассомларининг ҳаётий тажрибаси ва тасаввурларини ўз ичига олган ғоялар доирасини мужассам этган.

14. Сталин давридаги катағонлик сиёсати санъатга мунтазам равишда ўз босимини ўтказиб, кўплаб рассомларнинг ижодий тақдирига завол бўлган. Лекин бу сермашаққат меҳнат натижасида Ўзбекистон рассомлари яратган кўплаб асарлар уларнинг ўзбек халқи маданияти хазинасига қўшган бетакрор ҳиссаси бўлиб қолмоқда.

Олиб борилган тадқиқот натижасида қуйидаги таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди:

- Ўзбек халқининг ижтимоий тарихига бағишланган йирик ишланмаларда, шунингдек Ўзбекистон тарихи бўйича кўп жилдли нашрларда тасвирий санъат тарихини қамраб олган бўлимларни киритиш лозим. Олий ўқув юртларининг тарих факультетлари учун дарсликлар ва ўқув қўлланмаларида мазкур масалага Ўзбекистон совет даври тарихининг таркибий қисми сифатида алоҳида эътибор қаратиш керак.

- Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтининг ўқув дастурига тасвирий санъатнинг ижтимоий тарихи бўйича махсус курсни киритиш мақсадга мувофиқ, чунки бу билимлар мазкур даврнинг ижтимоий-сиёсий ҳолатини тушунишига имкон беради.

- Диссертация материалларидан Ўзбекистон Давлат санъат музейи ва И. Савицкий номидаги Қарақалпоғистон Давлат санъат музейларида совет даври санъатининг тарихига оид экспозицияларни ташкил этишда фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSC. 02/30.12.2019. TAR.56.01. ПО
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ
ИСТОРИИ АКАДЕМИИ НАУК РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

ИНСТИТУТ ИСТОРИИ

МАЛИКА САЙДИАХРАЛОВНА ТУХТАЕВА

**СОЦИАЛЬНАЯ ИСТОРИЯ ИЗОБРАЗИТЕЛЬНОГО ИСКУССТВА
УЗБЕКИСТАНА В 20 – 40-Е ГОДЫ XX ВЕКА**

07.00.01 – История Узбекистана

**АВТОРЕФЕРАТ
диссертации доктора философии (PhD) по историческим наукам**

Ташкент – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номер В2020.2.PhD/Tar34.

Диссертация выполнена в Институте истории Академии наук Республики Узбекистан.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета (www.fati.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNET» (www.ziynet.uz)

Научный руководитель:

Дилором Агзамовна Алимова
доктор исторических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Акбар Абдуллаевич Хакимов
доктор искусствоведения, профессор,
академик АН РУз и АХ Уз.

Мухайё Сраждиновна Исакова
доктор исторических наук

Ведущая организация:

Ташкентский государственный педагогический университет имени Низами

Защита диссертации состоится «__» _____ 2021 г. в __ часов на заседании Научного совета DSc. 02/30.12.2019. Tar.56.01. по присуждению учёных степеней доктор исторических наук (DSc) и доктор философии (PhD) при Институте истории АН Республики Узбекистан (Адрес: 100060. город Ташкент, улица Шахрисабзская, 5. Институт истории АН РУз. 8-этаж. Зал заседания Тел: (99871) 233-54-70; 233-62-01; факс: (99871) 233-39-91) e-mail: info@fati.uz Институт Истории АН РУз).

С диссертацией можно ознакомиться в Фундаментальной библиотеке Академии Наук Республики Узбекистан (зарегистрировано за № _____). (Адрес: 100170, город Ташкент, улица Зиёлилар, 13). Тел: (99871) 262-74-58; факс: (99871) 262-34-41.

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2021 года
(Протокол реестра рассылки № __ от «__» _____ 2021 года)

А. Х. Зиё
Председатель Научного совета
по присуждению ученых степеней,
д.и.н., профессор

М.Х. Пайзиева
Ученый секретарь Научного совета по
присуждению ученых степеней, к.и.н.

Н.А. Аллаева
Председатель Научного семинара при
Научном совете по присуждению
ученых степеней, д.и.н.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность работы. В условиях интенсификации мировой интеграции как следствие процесса мировой глобализации огромное внимание уделяется человеческому фактору и вопросам социальной истории, отражающей практически все его аспекты. В особенности, в центре внимания мирового научного сообщества находится уникальный феномен – особое явление, каким стала деятельность представителей искусства, которые, несмотря на социально-экономические процессы и воздействие советской идеологии в странах, переживших тоталитарный строй, внесли достойный вклад в сокровищницу мировой культуры.

Во многих исследовательских центрах мира проводятся научные изыскания, направленные на изучение социальной истории изобразительного искусства и повседневной жизни представителей искусства, деятельности организаций и учебных заведений в сфере изобразительного искусства, а также динамики изменения главных принципов изобразительного искусства народов Центральной Азии в разные периоды и их социально-политических основ. В связи с этим актуальность приобретает выявление влияния советской идеологии на жизнь и творчество художников, раскрытие проблем взаимоотношений между государством и деятелями искусства.

В Узбекистане в период независимости, особенно в последние годы, осуществляется широкомасштабная деятельность по сохранению, научному исследованию и пропаганде среди общественности страны и мира древних рукописей, произведений искусства и памятников старины, составляющих неотъемлемую часть богатой истории и культуры, имеющих чрезвычайно важное значение для духовного развития нашего народа. Эти уникальные историко-культурные предметы являются жемчужинами культуры не только нашего народа, но и крупными коллекциями мирового уровня». В этом плане на повестку дня в качестве наиважнейшей задачи ставится «выявление культурных богатств, касающихся истории и культуры нашей страны, создание полной базы – реестра сведений и их постоянного обновления, проведения научных исследований совместно с профильными научными центрами, введение в научный оборот полученных результатов»¹. Вместе с тем, комплексное изучение истории изобразительного искусства Узбекистана, особенно его социальных аспектов, искаженно показанных и неправильно интерпретированных в советское время, приобретает особую актуальность для дальнейшего, еще более глубокого изучения, широкой пропаганды нашей национальной истории и повышения исторического мышления современного общества.

¹[электронный ресурс:] Постановление Президента Республики Узбекистан “Об учреждении центра исследований культурных ценностей Узбекистана, находящихся за рубежом, при кабинете министров Республики узбекистан”. - Ташкент, 20 июня 2017 г., № ПП-3074// <https://lex.uz/docs/3238678?otherlang=3>

Данное диссертационное исследование, в определенной степени, будет служить реализации задач, отраженных в указах Президента Республики Узбекистан УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 г., УП-4958 «О дальнейшем усовершенствовании системы послевузовского образования» от 16 февраля 2017 г., постановлениях Президента ПП-2995 «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы хранения, исследования и пропаганды древних письменных источников» от 24 мая 2017 г., ПП-3920 «О мерах по инновационному развитию в сфере культуры и искусства Республики Узбекистан» от 26 августа 2018 г., а также и в других нормативно-правовых актах в этой сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики Узбекистан. Данное исследование выполнено в рамках приоритетного направления развития науки и технологий республики: I. «Духовно-нравственное, культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

Степень изученности проблемы. В истории изучения изобразительного искусства Узбекистана 20 – 40-х годов XX века можно выделить два этапа:

Первый этап включает исследования советского периода (1930 – 1990 годы), посвященные истории изобразительного искусства советского Узбекистана, авторы которых пытались объяснить происходившие в регионе трансформационные процессы и отображение в творчестве художников Узбекистана новых явлений общественной жизни, связанных с ломкой старого уклада жизни и психологии. С начала 30-х гг. XX века начинается систематическое и целенаправленное изучение изобразительного искусства советского Узбекистана. В научных статьях П. Корнилова, Л. Эфроса, Б. Ширяева, Б. Никифорова, В. Чепелева, Н. Колина давалось краткое описание их основных видов и жанров. Несмотря на идеологическую заданность художественной критики, искусствоведы того времени приветствовали декоративность в живописи узбекистанских художников. Главной задачей художественной критики со второй половины 1930-х вплоть до 1960-х годов стало утверждение социалистического реализма в искусстве, определенного советской идеологией. Начиная с 1940-х гг. Б.В. Веймарн, Н.М. Колин, В.Н. Чепелев, Б.М. Никифоров стали «мэтрами» ортодоксальной художественной критики, а их взгляды отражали официально утвержденную идеологию. Кроме того, история изобразительного искусства нашла отражение как в фундаментальных исследованиях, так и в обобщающих трудах и исследованиях историков по истории культуры Узбекистана данной эпохи.

В годы перестройки и ослабления цензуры выходит в свет альбом о советском искусстве «Авангард, остановленный на бегу» со вступительной статьей М. Бабаназаровой, Е.Д. Газиевой и Е.Ф. Ковтуна, которые впервые

заговорили о гонимом ранее авангарде, репрессиях, идеологическом диктате партии.

Второй этап представлен исследованиями отечественных и зарубежных учёных постсоветского периода (с начала 90-х годов XX века – до настоящего времени), связанными с резкой критикой политической власти и попыткой переосмысления основных направлений искусства советского периода и особенностей повседневной жизни представителей творческих профессий изучаемого периода.

Эту литературу условно можно разделить на два больших направления:

1. работы, посвященные развитию искусства этого периода, содержащие либо его критику, либо реабилитацию (в них рассматривается теория и практика социалистического реализма);

2. осмысление особенностей повседневной жизни представителей творческих профессий. Это труды Н.А. Хренова, В.С. Жидкова, К.Б. Соколова, Г.А. Янковской и др.

Из фундаментальных исследований отечественных авторов, посвященных общим тенденциям развития изобразительного искусства, прежде всего следует отметить монографии Н.Р. Ахмедовой, А.А. Хакимова, Б.А. Абдурахимова, в которых также рассмотрено творчество ведущих художников-живописцев.

С середины 1990-х гг. начинается систематическое изучение зарубежными исследователями искусства эпохи сталинизма. А. Бёрд, Д. Эллиот, М. Тупитсин, М. Боун, Ж. Боулт, А. Бретон, С. Бойм, Х. Арендт, приравнивают “советский соцреализм к художественному кичу”. М. Боун и М. Гланц приводят сведения об искусстве Узбекистана сквозь призму творчества ведущих художников А. Волкова, У. Тансыкбаева, О. Татевосяна, М. Курзина, оценивая их как «самых ярких, самобытных и лучших из всех узбекских художников». Таким образом, искусство советского Узбекистана описывается зарубежными исследователями панорамно и носит скорее информативный характер. Подробный историографический анализ научной литературы приведен в первой главе диссертации.

Связь темы диссертационного исследования с планами научно-исследовательских работ научно-исследовательского учреждения, где выполнена диссертация. Диссертационное исследование выполнено в рамках фундаментального научного проекта Ф1-ФА-О-79985/ФА-Ф1- Г023 «История и историография образования в Узбекистане: опыт, проблемы, развитие и изучение» (2012 – 2016); ОТ-А1-125 «Источниковедение и историография истории Узбекистана: становление и развитие (2017-2018)», «Историография государственности Узбекистана: теория и исторические этапы становления», реализованных в Институте истории Академии наук Республики Узбекистан.

Целью исследования является раскрыть влияние последствий социальной политики тоталитарной системы в Узбекистане на

институциональные аспекты изобразительного искусства в 20-40-е годы XX века.

Задачи исследования:

